

ПУДРАТ ШАРТНОМА № 2 / 2022

2022 йил «13» июн

Қарши шахри

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ Қашқадарё вилояти филиали номидан (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) ишончнома асосида иш олиб борувчи филиал бошқарувчиси Д.Н.Саидов бир томондан ва иккинчи томондан “KRONO STRONG” МЧЖ (бундан кейин “Пудратчи” деб аталади) Низом асосида иш олиб борувчи Д.Б.Каримов томонидан, 108832-сонли танлов лоти бўйича 2022 йил 30 июнданги харид комиссиясининг бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятларини олади:

1. Шартнома предмети.

1.1. “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг топшириғига биноан Гузор тумани, “Наврўз” МФЙ, “Ўзбекистон” кўчаси 80-уйда жойлашган “Ўзмиллийбанк” АЖ Гузор филиали худудидан “Банк хизматлари маркази” қуриш ишларини ушбу Шартнома шартларига асосан лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ бажариш, “Буюртмачи” эса бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятларини олади.

2. Шартнома қиймати.

2.1. Шартноманинг 1-иловасида ва ишлаб чиқилган хужжатларда кўрсатилган ишларнинг қиймати ва Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан **1 067 498 348** (бир миллиард олтмиш етти миллион тўрт юз тўқсан саккиз минг уч юз қирқ саккиз) сўмни ташкил этади.

3. Тўлов шартлари.

3.1. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичida “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома суммасининг 30% микдорида **320 249 504** (уч юз йигирма миллион икки юз қирқ тўққиз минг беш юз тўрт) сўм авансни ўtkазadi.

3.2. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўлаш, Пудратчи томонидан тақдим этилган “Бажарилган ишларнинг қиймати (харажатлар) тўғрисидаги ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси” асосида, аванс тўловини мутаносиб чегириб қолиниши билан амалга оширилади.

3.3. Жорий молиялаштириш обьектнинг умумий шартнома қийматидан 95% гача амалга оширилади.

3.4. Шартнома қийматининг қолган 5% суммаси шартноманинг 4.3-бандида кўрсатилган кафолат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

4. Ишларни якунлаш ва кафолат муддати

4.1. “Пудратчи” шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган ишларни, 3.1-бандида кўрсатилган аванс тўлови ўтказилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) кунда бажарип тугатиши шарт.

4.2. Пудратчининг ҳисобварағига аванс тўлови келиб тушган кундан бошлаб 3 календар куни ичida “Пудратчи” томонидан ишлар бошланиши лозим.

4.3. Объектда бажарилган ишлар учун кафолат муддати, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 12 календар ойини ташкил этади, бунда “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан аниқланган камчиликларни ўз ҳисобидан ва тезда бартараф этиши шарт, акс холда кафолат суммаси тўлаб берилмайди.

5. Шартнома муддати.

5.1. Ушбу шартнома иккала томон имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар барча мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласди.

6. Томонларнинг мажбуриятлари.

6.1. “Пудратчи” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

6.1.1. Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган ишларни ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда бажариш;

6.1.2. Объектга олиб келинадиган қимматбаҳо қурилиш материалларини, шу жумладан импорт қилиб келтириладиган маҳсулотлар ва жиҳозларнинг нархи ҳамда сифатини “Буюртмачи” билан келишиб олиниши лозим;

6.1.3. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишларнинг камчиликларини аниқласа, “Пудратчи” аниқланган камчиликларни бепул ва ўз ҳисобидан “Буртмачи”нинг оғзаки ёки ёзма мурожаати келиб тушган кундан бошлаб 3 кун муддат ичida бартараф этиш ва харажатларни қоплаш мажбуриятини олади;

6.1.4. “Пудратчи” қуйидаги ҳолларда “Буюртмачи”ни дархол ёзма роавища огохлантириб, ишларни тўхтатиб туриши лозим:

- Буюртмачининг, ишларни бажариш услубига оид кўрсатмаларига биноан ишлар бажарилган тақдирда салбий оқибатлар юзага келиши мумкин бўлганда;

- “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган, бажарилган иш натижаларининг яроқлилиги ва сифатига таҳдид соладиган ёки уни ўз вақтида бажаришга имкон бермайдиган бошқа ҳолатлар вужудга келганда.

6.1.5. Ишларни бажариш вақтида қурилиш майдончасида зарур хафсизлик чораларининг бажарилишини таъминлаш.

6.1.6. ШНК 1.03.07-2010 4.19-бандига биноан архитектура назорати ва техник назорати талабларига ўз вақтида ва сифатли риоя этилиши, шунингдек архитектура назорати журналининг тутилиши ва тўғри сақланиши учун масъул бўлган вакилни тайинлаш.

6.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

6.2.1. Шартномада назарда тутилган тартибда ва миқдорда “Пудратчи” билан ҳисоб-китоб қилиш.

6.2.2. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”нинг хизматларидан воз кечилган тақдирда, ўша давргача бажарилган ишнинг қийматини тўлиқ тўлаб бериш.

6.3. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа шартлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талаблари асосида тартибга солинади.

7. Шартноманинг асосий шартлари.

7.1. “Пудратчи” таклиф этилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг тўпламини тўлиқлиги учун жавобгардир ва техник даражаси етарли бўлмаган тақдирда уни ўз ҳисобидан тўлдиради.

7.2. “Пудратчи” ишларни фойдаланишга топшириш вақтида сотиш ва ёки ишлаб чиқаришдан воз кечилмаган маҳсулотларни ўрнатиши лозим. Агарда ишларни фойдаланишга топшириш вақтида, маҳсулотларнинг бирон бир компоненти сотувдан ва ёки ишлаб чиқаришдан олиб қўйилган деб эълон қилинган бўлса, “Пудратчи” маҳсулотларни дастлабкисидан ёмон бўлмаган, хусусиятлари бўйича компонентларига мувофиқ келадиган, бевосита у билан боғлиқ бўлган мазкур компонент ёки барча бошқа компонентларни ўз ҳисобидан алмаштиришга мажбур.

7.3. “Пудратчи” ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган маҳсулотлар сифати, ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар орасида мавжуд бўлган замонавий техник даражага мувофиқлигини кафолатлади.

7.4. “Пудратчи”, тақдим этилаётган маҳсулотлар янги ва ишлатилмаганлигини кафолатлади.

7.5. Ўрнатилаётган маҳсулотлар сертификатланган ва “Пудратчи” томонидан кўрсатиш бўйича хизматлари таклиф этилаётган мутахассислар шу хизматларни ходимлари “Пудратчи” томонидан бажариладиган хизматларнинг барча босқичларида иштирок этишлари ва назорат қилишлари лозим.

7.6. “Пудратчи” хужжатларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этади.

Етказиб берилаётган маҳсулотларнинг ҳар бир жиҳозига асл техник хужжатлар илова қилиниши шарт.

7.7. Ускуна ва жиҳозларга кафолат беришдан ташқари, “Пудратчи” кафолат муддати давомида Буюртмачи ходимларига зарур маълумот ва маслаҳат ёрдамини кўрсатишлари лозим.

7.8. Таклиф этилаётган ускуна ва жиҳозларнинг **кафолат муддати камидан 24 календар ойни** ташкил этиши шарт.

7.9. Ускуна ва жиҳозларни ишга тушириш вақти - маҳсулотни етказиб бериш, ўрнатиш, созлаш ва хужжатлаштиришга қўйиладиган барча талаблар бажарилган, қабул синовлари муваффакиятли якунланган ва тўлиқ фойдаланиш бошланган, бажарилган ишнинг икки томонлама топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва ишга тушириш далолатномаси имзоланган сана хисобланади.

7.10. Ишларни бажариш вақтида Буюртмачининг мулкига зарар етказилган бўлса, етказилган зарарни қоплаш ва бартараф этиш “Пудратчи”нинг ўз хисобидан амалга оширади.

7.11. Шартнома бўйича ишларни, курилиш, монтаж ва ишга тушириш ишларини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси нормалари ва қоидаларига қатъий риоя қилингандай равишда бажарилиши лозим.

8. Томонларнинг жавобгарлиги

8.1. Ушбу шартнома бўйича бажарилган ишлар (хизматлар) учун тўловлар кечикирилган тақдирда, “Буюртмачи” кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов микдорининг 0,1% микдорида жарима тўлайди, аммо кечикирилган тўлов микдорининг 50% дан ошмаслиги керак.

8.2. Ушбу шартномага мувофиқ ишларни (хизматларни) бажариш кечикирилганлиги учун “Пудратчи” кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми қийматининг 0,1% микдорида жарима тўлайди, аммо мажбуриятнинг бажарилмаган қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Томонларнинг шартнома шартларида назарда тутилмаган жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

9. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

9.1. Ушбу шартнома томонларининг вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасидаги музокаралар орқали ҳал қилинади.

9.2. Агар келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилишининг иложи бўлмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши.

10.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат уларнинг ёзма равишда тузилган ва иккала томоннинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амал қиласи.

11. Бошқа шартлар.

11.1. Ушбу шартнома икки нусхада бўлиб, ҳар иккаласи бир ҳил юридик кучга эга ҳисобланади. Ҳар бир томон учун бир нусхадан иборат.

12. Томонларнинг юридик манзиллари, банк реквизитлари ва имзолари.

БУЮРТМАЧИ:

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий
банки АЖ Қашқадарё вилояти филиали
Карши ш, И.Каримов кўчаси 219-үй

X/p: 1990700040000150094
“Ўзмиллийбанк” АЖ Қашқадарё вилояти
филиали

МФО 00150;
ИНН: 200 836 354

Бошқарувчи

Д.Н.Сайдов

Главный бухгалтер



Юридик бўлим бошлиғи

A.Хуррамов

ПУДРАТЧИ:

“KRONO STRONG” МЧЖ
Тошкент ш, М.Улуғбек тумани,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 29-үй 3-хонадон

X/p: 2020 8000 9009 1174 3001
“Универсалбанк” Кўкон шахар бўлими
МФО 00 973
ИНН: 305 710 887
ОКЭД 401 202

Директор

Д.Б.Каримов



«13» июн 2022 йилдаги
№ 2/2022-сонли
пудрат шартномасига
1-илюва

Бажариладиган ишларниң календар режаси

№	Ишларниң номланиши	Муддати		Жорий нарлардаги қиймати (сүм) (КҚС билан)	Изох
		Бошланиши	Тугалланиши		
1	2	3			
1	“Ўзмиллийбанк” АЖ Ғузор филиали худудидан “Банк хизматлари маркази” қуриш	Аванс тўлови ўтказилган кундан	90 календар куни	1 067 498 348	

Ўзмиллий банк АЖ Қашқадарё
вилояти филиали бошқарувчиси



“KRONO STRONG” МЧЖ
Директори

 Д.Б.Каримов

